

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ОТЕПБЕРГЕНОВ ЖЕТКЕРБАЙ САКБЕРГЕНОВИЧ**

**АХБОРОТ ТАЪЛИМ МУҲИТИ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРДА  
КОГНИТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**НУКУС – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Оттебергенов Жеткербай Сакбергенович**

Ахборот таълим муҳити шароитида талабаларда когнитив компетентликни  
ривожлантириш технологияси..... 3

**Оттебергенов Жеткербай Сакбергенович**

Технология развития когнитивной компетентности у студентов в условиях  
информационно-образовательной среды..... 25

**Otepbergenov Jetkerbay Sakbergenovich**

Technology of development of cognitive competence in students in the conditions  
of information educational environment ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....52

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ОТЕПБЕРГЕНОВ ЖЕТКЕРБАЙ САКБЕРГЕНОВИЧ**

**АХБОРОТ ТАЪЛИМ МУҲИТИ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРДА  
КОГНИТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**НУКУС – 2020**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped1081 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.vocedu.uz](http://www.vocedu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ходжаев Бегзод Худойбердиевич педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Утебаев Тажибай Тилеумуратович педагогика фанлари доктори, доцент Давлатов Ойбек Ганиевич педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация химояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20<sup>20</sup> йил «11» август соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: [nkspi\\_info@edu.uz](mailto:nkspi_info@edu.uz)

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 20<sup>20</sup> йил «30» июль куни тарқатилди.  
(20<sup>20</sup> йил «30» июль да 11 рақамли реестр баённомаси).



**Ж.Базарбаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, фалс.ф.д., академик

**З.К.Курбаниязова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Т.Т.Утебаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон миқёсида жамият ривожининг турли соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак педагогларнинг когнитив компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, педагогика олий таълим муассасалари ўқув жараёнига ахборот технологияларини кенг жорий этиш, талабаларнинг медиасаводхонлигини ривожлантириш, турли педагогик хавф-хатарлар шароитида уларда масофавий таълимни самарали ташкил этиш малакасини таркиб топтириш муҳим ўрин эгалламоқда. Шунингдек, бўлажак педагогларнинг таълимий фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилиятини акс эттирувчи интегратив ўзига хослик сифатида компетенциявий ёндашув билан кредит-модул тизимининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Дунёда кредит-модул тизимини жорий этишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг мақбул механизмларини ишлаб чиқиш, талабаларнинг индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш, таянч компетенциялар натижаси сифатида бўлажак педагогларнинг когнитив компетентлигини ривожлантиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, бўлажак педагогларда когнитив компетентликни ривожлантириш жараёнини ахборот-таълим муҳити билан интегративлигини таъминлаш, педагогика олий таълим муассасаси талабаларида мунтазам ўз-ўзини касбий-педагогик такомиллаштириш истагини қарор топтириш, мустақил касбий-педагогик билимларни ўзлаштириш кўникма ва малакаларини, креативлик, янги педагогик қадриятларни ўзлаштиришга қобилиятлиликини ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш муҳим устуворлик касб этмоқда.

Республикамизда тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш, олий педагогик таълимга рақамли технологияларни жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш пировардида педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу эса,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ахборот таълим муҳити шароитида талабаларнинг когнитив компетенциялари тизимини аниқлаштириш, бўлажак педагогларда когнитив компетентликни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш янада долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сон Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада олий педагогик таълимни ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш, масофавий ўқитиш тизимини жорий этиш, таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагогларининг креатив салоҳияти ва ахборот компетентлигини ривожлантириш масалалари У.Бегимқулов, А.Абдуқодиров, Р.Джураев, М.Лутфиллаев, А.Арифджанова, Д.Нарзикулова, Т.Шоймардонов, О.Давлатов, компетенциявий ёндашувни амалга оширишнинг назарий асослари, педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини такомиллаштиришнинг дидактик параметлари У.Иноятов, Н.Муслимов, О.Мусурмонова, Б.Ходжаев, М.Ваҳобов, М.Мирсолиева, Б.Маъмуров, Л.Бектурсынова, М.Пардаева каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан М.Ахметов, А.Базаева, Л.Бочарова, Е.Вязовова, Т.Добрыдина, И.Дульчаева, Э.Зеер, Т.Коротенко, Л.Осипова, А.Пилигин, В. Пустовойтов, С.Рослякова, Л.Семина каби олимлар томонидан замонавий ижтимоий-иқтисодий вазиятларда талабаларнинг касбий-билиш фаоллигини шакллантириш, модул-рейтинг тизими асосида талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини таркиб топтириш, информацион-таълимий лойиҳалар воситасида талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш масалалари бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Хорижлик олимлардан Т.Бьюзен, М.Бернис, М.Пиетра, Е.Терхарт, Р.Дюнн, Т.Маес, Н.Герман каби олимлар томонидан талабаларда

суперфикрлашни шакллантириш, ўқитишнинг модулли ва ахборот технологиялари интеграциясини таъминлаш масалалари ўрганилган.

Бироқ ахборот таълим муҳити шароитида педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг когнитив компетентлигини ривожлантириш мазмуни, тузилмаси, компонентлари, мезонлари, кўрсаткичлари, когнитив стратегияларга асосланган педагогик жараён модели ва дидактик асослари махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, ахборот таълим муҳити шароитида талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш юзасидан илмий-тадқиқот олиб боришни тақозо этди.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 574097-ЕРР-1-2016-1-СҮ-ЕРРКА2-СВНЕ-ҶР рақамли (“RUECVET: Россия ва Ўзбекистон таълими ва касбий таълимнинг миллий тизими учун (ECVET) зачет бирлигини (кредитларни) кўчиришнинг Европа тизимини пилотлаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ахборот таълим муҳити шароитида талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш” тушунчасининг моҳиятини аниқлаштириш орқали бўлажак педагогларда когнитив компетентликни ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириш;

ахборот таълим муҳити шароитида талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш технологияси мазмунини ёритиб бериш;

ахборот таълим муҳити шароитида талабаларда когнитив компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш;

талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Нукус давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институтларининг 348 нафар респондент-талабалари жалб қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети** ахборот таълим муҳити шароитида талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш мазмуни, модели ва технологияси.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келувчи кузатиш, сўровнома, тест синовлари, педагогик-психологик методикалар, моделлаштириш, қиёслаш, математик-статистик таҳлил ҳамда тажриба-синов методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш тузилмаси (компонентлари, мезонлари, кўрсаткичлари) ахборотларни излаш, қайта ишлаш ва қўллаш бўйича шахсий тажрибани тўплашга имкон берувчи мотивацион-қадриятли, билишга доир, жараёни-фаолиятли ва рефлексив-баҳоловчи фаолият натижасини акс эттирувчи шахснинг интегратив динамик хусусиятига барқарор устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

ахборот таълим муҳити шароитида талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш жараёни олий педагогик таълим жараёнига компьютерли моделлаштириш технологиясини жорий этишнинг дидактик имкониятларини (ижодий топшириқларни бажариш, компьютер ёрдамида амалга ошириладиган фаолият объектлари ролини бажариши) ўқитувчининг ахборот-ресурслари мажмуи билан семантик алоқасини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

ахборот таълим муҳити шароитида талабаларда когнитив компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари (фаолият мазмуни, шакл ва методлари) ахборотларни тақдим этишнинг чизма-тасвирий моделларини (фрейм, интеллект-карта, мантиқий граф, метарежа, таянч конспект, семантик тармоқ) қўллаш воситасида талабаларни янги билимлар ҳамда амалий фаолият тажрибасини ўзлаштириш жараёнининг интенсивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда когнитив компетентликни ривожлантиришнинг технологик босқичлари (чақириқ, англаш, фаолият, рефлексия) ўқув-билиш фаолияти тавсифига мос келувчи муаммоли, ҳамкорликда ўқитиш, индивидуаллаштириш, изланишли-тадқиқотчилик, ўқув ахборотлари устида ишлаш жараёнида юқори мотивацияни рағбатловчи методларни (эмоционал-ахлоқий вазиятларни яратиш; рағбатлаш; билишга доир ўйинлар; ўқув мунозараси; истиқболни прогнозлаш, ўқув лойиҳаси) тизимли қўллаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

бўлажак педагогларда когнитив компетентликни ривожлантириш компонентлари, мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари (репродуктив, продуктив, иждодий) аниқлаштирилган;

талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш жараёни самарадорлигини ошириш модели ишлаб чиқилган ва таълим амалиётига жорий этилган;

чизма-тасвирий моделлардан фойдаланиш орқали талабаларнинг ахборотни излаш, қайта ишлаш ва қўллаш бўйича фаолият тажрибасини такомиллаштиришга доир кейс-топшириқлари мажмуи ишлаб чиқилган;

талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш технологияси ва уни амалга оширишнинг алгоритмик босқичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги,

хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти “когнитив компетентлик”, “талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш”, “ахборот таълим муҳити”, “ўқитувчининг ахборот ресурси” тушунчаларнинг мазмун-моҳиятининг очиб берилганлиги, талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш компонентлари (мотивацион-қадриятли, билишга доир, жараёнли-фаолиятли, рефлексив-баҳоловчи), мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларининг аниқлаштирилганлиги, ахборот таълим муҳитининг талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш имкониятларининг ёритиб берилганлиги, ўқитувчининг ахборот ресурсига қўйиладиган талаблар ва унинг таркибий асосларининг аниқланганлиги, талабаларда когнитив компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари илмий-назарий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти когнитив стратегиялар таснифи, талабаларда когнитив стратегияларни ривожлантириш босқичлари, таълимни ахборотлаштириш шароитида когнитив компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш жараёни доирасида ҳал этилиши лозим бўлган амалий вазифаларнинг ишлаб чиқилганлиги, ахборот технологиялари воситасида ўқув жараёнида чизма-тасвирий моделлардан (ўқув элементларининг граф мантиғи, метарежа, таянч конспект, фрейм модел, продукцион модел, мантикий модел, семантик тармоқлар модели, чизмаконспект, интеллект карт) фойдаланиш амалиётининг кўрсатиб берилганлиги, бўлажак педагогларда когнитив компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шартларини аниқлаштирилганлиги, талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган таълим мазмунини такомиллаштириш тизими, талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ахборот таълим муҳити шароитида талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш технологияси бўйича олинган натижалари асосида:

талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш тузилмаси, компонентлари, мезонлари, кўрсаткичлари, ахборотларни излаш, қайта ишлаш ва қўллаш бўйича шахсий тажрибани тўплашга имкон берувчи мотивацион-қадриятли, билишга доир, жараёнли-фаолиятли ва рефлексив-баҳоловчи фаолият натижасини акс эттирувчи шахснинг интегратив динамик хусусиятларини аниқлаштиришга доир таклифлардан педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 89-03-5182-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар таълимда ахборот технологиялари ва ихтисослик фанлари мазмунини когнитив компетенциялар тизимида асосланган ҳолда ишлаб чиқишга хизмат қилган;

ахборот таълим муҳити шароитида талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш мазмуни, олий педагогик таълим жараёнига компьютерли моделлаштириш технологиясини жорий этишнинг дидактик имкониятлари, ўқитувчининг ахборот-ресурслари тузилмасини аниқлаштиришга доир таклифлардан педагогика олий таълим муассасаси бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Mağlıwmatlar bazasi” (“Маълумотлар базаси”) номли дарсликни тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 531-сон буйруғи, 531-008 рақамли гувоҳнома). Натижада талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантиришда компьютерли моделлаштириш технологиясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

ахборот таълим муҳити шароитида талабаларда когнитив компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш, ахборотларни тақдим этишнинг чизма-тасвирий моделларини қўллаш воситасида талабаларнинг янги билимлар ҳамда амалий фаолият тажрибасини ўзлаштириш жараёнининг интенсивлигини таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан И-ХТ-0-19929. “Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9 синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш” (2014-2016 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 89-03-5182-сон маълумотномаси). Натижада ахборот-технологиялари воситасида чизма-тасвирий моделларни яратиш ва уларни ўқув жараёни қўллай билиш малакасини ривожлантиришга эришилган;

талабаларда когнитив компетентликни ривожлантиришнинг технологик босқичлари, ўқув-билиш фаолияти тавсифига мос келувчи муаммоли, ҳамкорликда ўқитиш, индивидуаллаштириш, изланишли-тадқиқотчилик, ўқув ахборотлари устида ишлаш жараёнида юқори мотивацияни рағбатловчи методларни тизимли қўллашга доир амалий тавсиялардан 574097-ЕРР-1-2016-1-СҮ-ЕРРКА2-СВНЕ-JP рақамли (“RUECVET: Россия ва Ўзбекистон таълими ва касбий таълимнинг миллий тизими учун (ECVET) синов бирлигини (кредитларни) кўчиришнинг Европа тизимини пилотлаштириш” (2016-2019 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 89-03-5182-сон маълумотномаси). Натижада педагогика олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 130 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги ҳамда бўлажак педагогларда когнитив компетентликни ривожлантириш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари ёритиб берилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш; халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилди. Ўқитишнинг кредит-модуль тизими компетенциявий ёндашув билан бевосита уйғун амалга оширилиб, модулли ўқитиш технологияларининг асосида бўлажак мутахассисларда таркиб топтириладиган компетенциялар ўз аксини топади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим муаммолари педагогика фанида кенг тадқиқ этилмоқда. Республикамизда компетенциявий ёндашувни амалга оширишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишга О.Мусурмонова, У.Иноятов, Н.Муслимов, Б.Ходжаев, М.Ваҳобов, М.Мирсолиева, М.Пардаева каби олимлар катта ҳисса қўшишган.

Мазкур муаммо бўйича илмий изланишлар олиб борган олимлар компетентлик тушунчасини компетенция орқали аниқлаштиришган. Шунинг учун дастлаб компетенция тушунчасига изох бериш лозим.

Компетенция (лотинча сўз бўлиб, эришаман, тўғри келаман маъноларини билдиради) – субъектнинг мақсадни қўйиш ва унга эришиш учун ташқи ва ички заҳираларни самарали бирга ташкил қила олишликка тайёргарлиги, бошқача қилиб айтганда, бу субъектнинг муайян касбий масалаларни еча олишга шахсий қобилиятидир.

Манбаларни таҳлил қилиш асосида “компетенция” тушунчасининг умумэтироф этилган ягона таърифи ва компетенцияларнинг яхлит таснифи мавжуд эмаслиги ҳақидаги хулосага келинди. Шу билан бирга хорижий ва миллий педагогикамизда амалга оширилган тадқиқотлар таҳлили муаммога доир ёндашувларнинг умумий асосларга эгалигини кўрсатди ҳамда шахс компетентлигининг акмеологик йўналганлигига асосланиб фикр юритиш имконини берди.

Тадқиқотда кўпчилик муаллифларнинг фикрларига қўшилган ҳолда умумий, шахсга бевосита боғлиқ бўлмаган ва маълум бир фаолият турини эгаллаш бўйича шахсий тажриба сифатида “компетенция” ва “компетентлик” категориялари фарқланди.

Илмий манбалар таҳлили замонавий шароитда жамият томонидан ижтимоий буюртма сифатида қабул қилинган меъёр ва стандартлар билан мувофиқликда компетентликни мутахассиснинг фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилиятини акс эттирувчи интегратив ўзига хослиги сифатида тушуниш имконини берди (А.В.Хуторской, Н.Муслимов, О.Мусурмонова, М.Мирсолиева ва бошқалар).

Бизнингча, юқорида келтириб ўтилган таъриф компетентлик тушунчасининг ижтимоий ва психологик тавсифини яхлит акс эттиради, шу билан бирга унинг ўзига хос хусусиятини очиб беради, маълум бир белгиларини аниқлашга хизмат қилади. Бироқ мазкур таърифда компетентликнинг асосий хусусияти – унинг динамик тавсифи, шунингдек, фаолиятда самарадорликка эришишни кўзда тутувчи жиҳати алоҳида қайд этиб ўтилмаган.

Шундай қилиб, тушунчага аниқлик киритиш асосида компетентлик деганда инсоннинг маълум бир соҳада самарали фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилиятини ифода этувчи унинг интегратив шахсий сифати тушунилади, деган хулосага келинди. Компетентлик касбий муҳим сифатлар билан боғлиқ атамалар орқали ифода этилади ва инсоннинг у ёки бу компетенцияни эгаллаганлик даражаси ҳақида гувоҳлик беради.

Илмий ҳамжамият ва амалиётда жамиятнинг ҳар бир аъзоси эгаллаши лозим бўлган таянч компетенция тушунчаси истеъмолга киритилган. Таянч компетенцияларнинг асосий ўзига хослиги шундаки, улар интегратив табиатга эга ҳамда билим, кўникма, малака ва интеллектни ўзида бирлаштиради. Таянч компетенциялар таълим олувчиларнинг хилма-хил фаолият турлари самарадорлигини таъминлашда билимларни мустақил ўзлаштиришга имкон берувчи когнитив кўникмаларга таянади.

Ана шу сабабли тадқиқотчилар таянч компетенциялар таркибига албатта, билиш фаолияти соҳасига доир (И.А.Зимняя, М.Пардаева ва бошқалар) ёки ўқув-билиш компетентлигини (А.Хуторской, Б.Ходжаев ва

бошқалар) киритишади. Биз Л.Семина ва Б.Ходжаевларнинг фикрларига кўшилган ҳолда шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, “мазкур санаб ўтилган компетенциялар (билиш фаоллиги, ўқув-билиш) яхлитликда когнитив компетентлик тушунчасида акс этади”.

Когнитив компетентликнинг таркибий асослари бўйича контент-таҳлил шуни кўрсатдики, кўпчилик тадқиқотчилар ўрганилаётган категориянинг тузилмасида қуйидаги компонентларни ажратиб кўрсатишади: мотивацион-кадриятли, билишга доир ва жараёнли-фаолиятга доир. Бироқ когнитив компетентлик динамик тавсифга эгаллигини ҳисобга олиб, унинг самарали ривожланиши учун шахс фаолияти мунтазам баҳолаб борилиши зарур.

Шунинг учун когнитив компонент тузилмасига рефлексив-баҳоловчи компонентни киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Таҳлил натижалари асосида тадқиқотда когнитив компетентликнинг қуйидаги компонентлари аниқлаштирилди:


мотивацион-кадриятли компонент – билиш фаолиятида эҳтиёжлар, билиш натижасида олинган ахборотларнинг аҳамиятини англаганлиги, билиш жараёни ва натижаларига қизиқишнинг фаол намоён бўлиши, доимий ўз-ўзини такомиллаштиришга эҳтиёжнинг англаниши;

билишга доир компонент – фикрлаш операциялари ва билиш усуллари (анализ ва синтез, таққослаш, умумлаштириш ва таснифлаш, конкретлаштириш, индукция ва дедукция, абстрактлаш, моделлаштириш); билиш фаолияти алгоритмлари ва стратегиялари;

жараёнли-фаолиятли компонент – фаолиятни амалга оширишда билиш усуллари таяниш; билиш фаолияти алгоритмлари ва стратегияларини қўллашга шахснинг тайёрлиги;

рефлексив-баҳоловчи компонент – фаолиятнинг продуктив усулларини белгилаб олиш мақсадида ўзининг билиш фаолиятини баҳолашга шахснинг тайёрлиги ва кейинги амалга ошириладиган ҳаракатларга тузатишлар киритиш.

Юқоридаги назарий қоидаларга асосланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларда когнитив компетентликни ривожлантириш тузилмасини қуйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин (1-расмга қаранг).



**1-расм. Бўлажак педагогнинг когнитив компетентлиги тузилмаси**

Таҳлил натижалари асосида талабаларнинг когнитив компетентлиги уларларнинг ўқув-билиш фаолиятининг когнитив механизмларини (мақсад қўйиш, режалаштириш, таҳлил этиш, рефлексия) амалга оширишга тайёрлиги ва қобилияти ҳамда ўзида мотивацион-қадриятли, билишга доир, жараёнли-фаолиятли, рефлексив-баҳоловчи компонентларни қамраб оладиган шахснинг интегратив сифатидир, деган хулосага келинди.

Таълим доирасида маълум бир муддатни тақозо этувчи, билиш фаолиятининг турли-туман намоён бўлишини (реал билишга доир вазибаларни бажариш – ахборотни олиш, қайта ишлаш, эслаб қолиш ва қўллаш бўйича билим, кўникма ва тажрибаларнинг мавжудлиги) ифода этувчи шахс ривожининг сифат кўрсаткичи сифатида “когнитив компетентликнинг ривожланиш даражасини баҳолаш мезонлари” тушунчасига аниқлик киритилди.

Когнитив компетентликнинг компонентлари билан бир хил тарзда талабаларда когнитив компетентликнинг ривожланишини баҳолаш мезонларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди: мотивацион-баҳоловчи, билишга доир, жараёнли-фаолиятга доир, рефлексив-баҳоловчи. Ҳар бир белгиланган мезон бўйича когнитив компетентлик кўрсаткичлари мазмуни очиқ берилди. Когнитив фаолият кўрсаткичлари индикатори сифатида талабалар (бўлажак педагоглар)нинг когнитив компетентлигини ривожлантириш даражалари (репродуктив, продуктив ва ижодий) белгиланди.

Диссертациянинг **“Таълимни ахборотлаштириш шароитида талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантиришнинг амалий-технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобида ахборот таълим муҳити шароитида талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш мазмуни, педагогик шарт-шароитлари ҳамда когнитив компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини амалга ошириш йўллари баён этилган.

Бугунги кунда талабаларнинг когнитив компетентлигини ривожлантиришда замонавий ахборот технологияларини жадал татбиқ этиш, дарсларда мультимедиа воситалари, замонавий компьютерлар ва Интернет тармоғидан фойдаланиш, интерфаол машқлар, виртуал топшириқларни яратиш, таълим сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг автоматлашган тизимини яратиш ва амалиётда қўллаш орқали таълим сифатини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Замонавий ахборот технологияларини педагогик таълим жараёнларига жорий этиш талабаларнинг: ижодий ва танқидий фикрлаш қобилияти; мақбул қарор қабул қилиш малакаси; коммуникатив компетентлик; эстетик компетентлик; касбий компетентлик; ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантиришни таъминлайди.

Интернет ахборот муҳитида билишга доир материалларни англаш ва тушуниш билан боғлиқ вазибаларга ечим топиш нафақат маълум бир фанга

доир тайёргарликка эга бўлиш, балки браузердан фойдаланиш, ахборотни излаш, блог-технологиялар, вики-технологиялар, синхрон-асинхрон мулоқотдан фойдаланиш учун зарур билим ва кўникмалар, яъни АКТ компетентлигининг муайян даражасини эгаллашни талаб этади. Шунинг учун бўлажак ўқитувчининг АКТ-компетентлик даражаси замонавий Интернет-технологиялари воситасида универсал ўқув фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари замонавий ахборот-таълим муҳитида талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш уларнинг компьютерли моделлаштириш малакаларини ўзлаштириши зарурлиги ҳақидаги фаразни илгари суриш имконини берди.

Компьютерли моделлаштириш технологияси атроф-муҳитни илмий ва амалий билишнинг асосий методларидан бири бўлиб, уни ўзлаштириш қуйидаги кўникмаларни эгаллаш орқали бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-шахсий сифатларини ривожлантиришга комплекс таъсир кўрсатади: муаммони тўғри қўйиш; тадқиқот натижаларини башоратлаш; моделларни ишлаб чиқиш учун асосий ва иккинчи даражали омилларни аниқлаш, комплекс баҳолашни амалга ошириш; анологлар ва математик формулаларни аниқлаш; мувофиқ келувчи дастурий таъминотни танлаб олиш; компьютер дастурларидан фойдаланиш орқали вазифалар ечимини топиш; компьютерли тажрибаларни объектив ўтказиш ва ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш.

Бўлажак педагогларнинг когнитив компетентлигини ривожлантириш муаммоларини таҳлил этишнинг зарурати биринчидан, ахборот-таълим муҳити шароитида ахборотларни излаш, таҳлил қилиш, саралаш, тизимлаштириш, эслаб қолиш, сақлашнинг уларнинг касбий фаолиятида алоҳида аҳамият касб этиши, иккинчидан, ўзининг бўлғуси касбий фаолиятида таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ташкил эта олиши билан белгиланади.

Тадқиқот жараёнида когнитив компетентликнинг етакчи фаолият тури сифатида ахборотларни самарали излаб топиш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, тизимлаштириш, эсда сақлашга доир ўқув вазифаларини ишлаб чиқишга алоҳида зарурат борлиги аниқланди. Чунки бакалаврият йўналиши ўқув режаларида когнитив компетентликни ривожлантириш билан боғлиқ алоҳида фан ёки модулнинг мавжуд эмаслиги, “Таълимда ахборот технологиялари” фанини йўналишлар бўйича умумтаълим фанларини (масалан, тарих фанини) ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш курсини интеграциялаш асосида таълим мазмунини бойитиш ҳамда талабаларни когнитив фаолиятга фаол жалб этиш лозим, деган хулосага келинди. Шундай қилиб, биринчи педагогик шарт-шароит сифатида бўлажак педагогларни касбий фаолиятга тайёрлаш мазмунини индивидуал когнитив фаолият стратегияларини белгилашга имкон берувчи ўқув материаллари билан бойитиш аниқланди.

Таълим мазмунини чуқурлаштириш бу белгиланган мақсадга йўналтирилган тарзда ўқитиш мазмунини кенгайтириш, ихтисослаштириш. Бу таълим олувчи шахсининг интеллектуал-ижодий, бизнинг тадқиқот учун когнитив компетентликни ривожлантиришга доир вазифаларга тўлиқ жавоб

берадиган таълим мазмунини сифат жиҳатдан қайта структуралаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар мажмуидир.

Табиийки, агар когнитив фаолиятнинг хилма-хил метод ва усулларидан мақсадли фойдаланилса, мазкур фаолият самарали амалга ошиши мумкин. Бизнинг тадқиқотимиз доирасида таълим мазмуни шахсий когнитив фаолият стратегияларини ўзлаштириш ҳисобига чуқурлаштириб борилди.

Талабаларда когнитив стратегияларни ривожлантириш уч босқичда амалга оширилди: 1) билишга доир; 2) ассоциатив; 3) индивидуаллаштириш. Билишга доир босқичда когнитив стратегиялар аввал эгалланган билимларни аниқлаштиришга (муаммоли суҳбат) топшириқларни ўз ичига олди. Ассоциатив босқичда ўзлаштиришга (илмий-ўқув матнлари ва уларга мос топшириқлар) доир топшириқлар таклиф этилди. Индивидуаллаштириш босқичида когнитив стратегияларнинг ривожланганлигини назорат қилишга доир топшириқлар такдим этилди.

Таълимни ахборотлаштириш шароитида когнитив компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш жараёни доирасида ҳал этиш лозим бўлган вазифалардан бири талабаларнинг ахборот-коммуникация технологиялари воситасида моделлар, семантик-когнитив карт, чизма, граф, жадвал, диаграмма кабиларни яратишнинг турли усулларини ўзлаштиришдан иборат. Бизнинг тадқиқотимизда чизма-тасвирий моделлар билишнинг ҳиссий (сезги, ирода, диққат) ва рационал (фикрлаш фаолияти) даражаларини уйғунлаштириш имконини очиб берувчи, уларнинг потенциалига асосланган билиш фаолияти натижавийлигини ошириш воситаси сифатида талқин қилинди. Ахборотларни такдим этишнинг чизма-тасвирий модели бу “ихчамлаштирилган” методик ва технологик усуллар йиғиндиси ва ўқув материалларини визуаллаштириш демакдир.

Ўқув жараёнида чизма-тасвирий моделлардан фойдаланиш амалиёти таҳлили улар орасида қуйидагилар кенг тарқалганлигини кўрсатади: ўқув элементларининг граф мантиғи, метарежа ва Н.Эрганованинг таянч конспекти, М.Минскийнинг фрейм модели, продукцион модел, мантикий модел, семантик тармоқлар модели, чизмаконспект, ментал(интеллект) карта.

Ўқув элементларининг мантиққа асосланган графи тушунчаларнинг умумий мазмунини очиб бериш асосида ўқув ахборотини тизимлаштириш ва унча муҳим бўлмаган, ортиқча юк бўладиган матндаги тушунча ва атамаларни истисно қилиш мақсадида қўлланилади.

Метарежа талабаларнинг ўқув ахборотларини психологик ва психофизиологик идрок этиш талабларига жавоб берувчи геометрик шаклларда фойдаланган ахборот элементларидан фойдаланиш асосида идрок этиш жараёнларини фаоллаштиради.

Талабаларнинг когнитив фаолияти мантиғига мувофиқ ўқув материалларининг асосий мазмунини кўргазмали такдим этишда таянч конспектдан фойдаланилади. Ўқув элементларини кўргазмали шаклда такдим этиш фаолиятни ташкил этиш учун йўналтирувчи асос яратади, ижро ва назорат қилишга доир ҳаракатларни шакллантиради.

Билимларни тақдим этишнинг фрейм модели “ихчамлаштирилган” ва тизимлаштирилган ахборотларни жадвал ёки матрица кўринишида акс эттиради. Фреймни тугунлар ва улар орасидаги алоқадорликни ифода этувчи чизиқлардан ташкил топадиган график кўринишида тасвирлаш мумкин.


Талабаларни ўқув жараёнида вазиятларни танлаш ва мустақил ечимини топишга жалб этишда продукцион модел маълум бир вазиятга доир кўплаб ечимларни чизма кўринишида тасаввур этиш сифатида яхши имконият яратади.

Ўрганилаётган нарса-ҳодисадаги тушунчалар кўлами, фанлараро ва тушунчалар ўртасидаги алоқадорликни очиқ бериш учун ўқув жараёнида семантик тармоқлар (графлар, блок-чизмалар, атамалар изоҳи) моделидан фойдаланиш мумкин.

Таълимни ахборотлаштириш шароитида касбий фаолиятнинг турли соҳаларида, шу жумладан педагогик фаолиятда ўқув ахборотларини тизимлаштиришда интеллект-(ментал, билимлар, mindmaps)карталардан фойдаланиш имконияти юқори. Интеллект-карта кўпроқ ахборотни идрок этиш ва узатишда миянинг табиий иш фаолиятига таянади.

Ҳозирги вақтда интеллект-карталарни тузиш бўйича кўплаб компьютер дастурлари мавжуд: онлайн режимда интеллект-карта (mindmaps) тузиш учун Google корпорациясининг Coggleot иловаси; xmind; FreeMind; MindMeister; EDraw.

“Таълимда ахборот технологиялари” фанини ўқитиш жараёнида мазкур компьютер дастурларидан фойдаланиш асосида интеллект-карталарни тузиш технологияси татбиқ этилди. Талабалар томонидан жамоавий ижодий иш асосида тузилган интеллект-карта намунаси 2-расмда келтириб ўтилган.



2-расм. “Жамиятнинг сиёсий муҳити” мавзусидаги интеллект-карта

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, талабаларда, яъни бўлажак педагогларда когнитив компетентликни ривожлантиришнинг биринчи педагогик шарти қуйидаги талқин қилинди: таълим мазмунини талабаларда индивидуал когнитив стратегияларни таркиб топтиришга хизмат қилувчи ва ахборотларни тақдим этишнинг чизма-тасвирий моделларига доир ўқув материалларини билан бойитиш зарур.

Бўлажак педагогларда когнитив компетентликни ривожлантиришнинг иккинчи педагогик шартини аниқлашда мазкур компетентликнинг фаолиятга доир тавсифига асосланилди. Мазкур масала билан боғлиқ замонавий тадқиқотларни таҳлил қилиш асосида бўлажак педагогларда когнитив компетентликни ривожлантиришга имкон берадиган метод, шакл ва воситаларни аниқлаштирилди.


Когнитив компетентликни ривожлантиришнинг шарт-шароитлари бўйича тадқиқотлар таҳлили талабаларнинг билиш фаолиятини рағбатлантиришнинг қуйидаги методлари аниқлаштирилди: эмоционал-рағбатловчи методлар: эмоционал-ахлоқий вазиятларни яратиш; рағбатлаш; билишга доир ўйинлар; ўқув мунозараси ва ҳ.к.; билишга қизиқишни ривожлантириш методлари: ўқув материални идрок этишга тайёргарликни шакллантириш; ҳаётий тажрибага асосланиш; муаммоли вазиятларни яратиш, ақлий ҳужум ва ҳ.к.; масъулиятлилик ва мажбуриятни англашни шакллантириш методлари: таълимнинг шахс учун аҳамиятининг англанишини таркиб топтириш, ўқув жараёнига қўйиладиган талабларни тақдим этиш; тезкор назорат.

Тадқиқотлар таҳлили когнитив компетентликни ривожлантиришнинг қатор педагогик технологиялари мавжудлигини кўрсатди. Улар орасида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: ўйин технологиялари; лойиҳа таълим технологияси; муаммоли таълим технологияси; рефлексив технологиялар; ривожлантирувчи таълим технологияси; сценарийли-контекстли технология.

Тадқиқот ишлари таҳлили шуни кўрсатдики, талабаларда когнитив компетентликни ривожлаштириш метод, шакл ва воситалари имкониятлари ҳақида ягона фикр кузатилмайди. Муаллифлар ўқитилаётган фаннинг хусусияти, таълимнинг турли босқичларида таълим олувчиларнинг ёш хусусияти билан боғлиқликда турли методикалардан фойдаланишади.

Шу билан бирга, амалга оширилган таҳлиллар талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш жараёнида асосий омил сифатида ўқитиш жараёнида фаолиятга йўналтирилган ёндашувни фаоллигини таъминлаш ва амалга ошириш акс этади. Ана шу асосдан келиб чиқиб, иккинчи педагогик шарт-шароит қуйидагича шакллантирилди: индивидуал когнитив стратегияларни танлаш ва ахборотларни тақдим этишнинг чизма-тасвирий моделини қўллаш воситасида талабаларни янги билимлар ҳамда самарали фаолият тажрибасини ўзлаштиришга жалб этиш лозим.

Талабаларда когнитив компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш асосида мазкур жараён самарадорлигини оширишга йўналтирилган модел ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш модели


Бўлажак педагогларда когнитив компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини амалга ошириш бўйича тажриба-синов ишлари ўтказилди. Педагогик шарт-шароитларнинг компонентлар билан боғлиқликда намоён бўладиган фарқлари шартли равишда қуйидаги кўринишга эга бўлди (1-жадвалга қаранг). Бу эса маълум бир педагогик шарт-шароитни амалга ошириш алоҳида компонентларни таркиб топтиришда ўзининг аниқ мақсадига эга бўлишини кўрсатди.

### 1-жадвал

#### Педагогик шарт-шароитларнинг когнитив компетентлик компонентлари бўйича фарқларининг намоён бўлиши

Компонентлари	Когнитив компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари
